

Устоз Абдуқаҳҳор домла Шошийнинг ҳаёти



23:00 / 02.05.2025 1964

Таниқли уламо Абдуқаҳҳор Ғаффоров Шоший 1939 йилнинг 15 май куни Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом даҳасида туғилди.

Талабалик йиллари:

- 1957-1961 йиллар – Бухородаги Мир Араб мадрасаси талабаси
- 1962-1966 йиллар – Тошкент давлат университети Шарқ факультети талабаси
- 1966-1969 йиллар – Қоҳирадаги Ал-Азҳар дорулфунуни талабаси

Меҳнат фаолияти:

- 1969-1987 йиллар – Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси Халқаро бўлими мудир
- 1969-1982 йиллар – Бухородаги Мир Араб мадрасаси директори
- 1982-1987 йиллар – Тошкент Ислом институти ректори

Устоз Абдуқаҳҳор домла Шоший Мир Араб мадрасаси директори сифатида ўзига ҳам, талабаларга ҳам жуда талабчан бўлиб, ҳар ишда интизом билан ўқув ва маънавий ишларни жонлантирди, таълим сифатини яхшилади.

Шунингдек, Тошкент ислом институтида ҳам ўқув ва услубий ишларни жонлантиришда Абдуқаҳҳор домланинг хизматлари катта бўлди.

Абдуқаҳҳор Шоший “Қуръон қиссалари”, “Ислом Ақидаси”, “Имло Луғати” каби ўнлаб китоб ва илмий асарлар ёзган.

Аллоҳ таоло Абдуқаҳҳор Шоший домлани Ўз раҳматига олсин!